

ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ШАРТНОМА № 157

4.08.2022 йил

Наманган шаҳри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси номидан Низом асосида иш юритувчи директор Д. Матмусаев бир томондан ва кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган «Namangan Sanoat Loyiha» хусусий корхонаси номидан Низом асосида иш юритувчи корхона директори З. Азимов иккинчи томондан, мазкур Наманган шаҳар. А. Темур кўчасида жойлашган Юридик техникумини реконструкция қилиш (спорт майдонлари қуриш, худудини ободонлаштириш ва аввалги сектор хоналарини таъмирлаш) объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш шартномасини тузиб имзоладилар.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Бажарувчи мазкур шартнома шартларига кўра лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Бажарувчига лойиха-смета хужжатларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва инвестор томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича, ишчи лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш учун Бажарувчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати жорий нархларда ККС билан 35 669 000 (Ўттиз беш миллион олти юз олтинчи тўққиз минг) сўмни ташкил этади

2.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ✓ ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ✓ ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи, Бажарувчи ўртасидаги шартномага кўшимча қилишув битими билан расмийлаштирилади.

III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича Бажарувчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

✓ барча ишларини мазкур шартномада ҳамда унинг 1 иловасига мувофиқ лойиха ишларни бажариш учун смета назарда тутилган ва муддатларда ўз кучи билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

✓ ишларни бажариш давомида Буюртмачи томонидан талаб қилиб бориладиган маълумотлар ва шошилиш (оператив) сўровларни ўз вақтида ҳамда белгиланган муддатларда тақдим этиш;

✓ бажарувчи томонидан объект бўйича тайёрланган (ишлаб чиқарилган) лойиха смета хужжатларидаги қабул қилинган лойиха ечимлари ва ҳисоб китоб ишлари бўйича кейинчалик аниқланган камчиликлар қолдириб кетилган иш ҳажмларидаги йўл қўйилган хатоликлар натижасида етказилган зарарларни бажарувчи томонидан тўла қоплайди;

✓ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. Бажарувчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда тайёр муҳандислик ҳисобларини ўз вақтида топшириш учун Буюртмачи олдида тўлиқ ҳамда мулкрий жавоб беради.

IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

✓ ишлар бажарилиши шартномада қайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

✓ Бажарувчининг барча мурожаатларини 10 (ўн) кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

✓ Бажарувчига инвестор томонидан ажратилган маблағлари ҳисобидан аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

✓ Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

5.1. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг 15 % фоизини олдиндан тулаб беради колган 85% ни бажарилган ишлар далолатномаси имзолангандан сўнгу тулов амалга оширилади.

VI. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда **Бажарувчи** ва **Буюртмачи** ишларни давом этдириш ёки уларни вақтинча тўхтатиб туриш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

✓ иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

✓ Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, инвестор томонидан ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,2 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг **30 фоизидан** ошмаслиги лозим.

✓ Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларини ўз вақтида бажармаганлиги бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

✓ Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги керак.

✓ Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

IX. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2 Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

9.3 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9.4 Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.5 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

9.6 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликни;

- тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлашни;

- ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда норасмий пул ёки моддий қийматликлар олинишда йўл қўйилмаслик ва таклиф этмасликни қафолатлайди.

9.7 Мазкур шартнома 3 нусхада тузилади ва ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтгандан сўнг кучга қиради.

Х.ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ:

Наманган вилоят ҳокимлигининг
Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси
Манзил: Наманган ш. Амир Темура кўчаси 105-уй
Телефон: 233-06-11

ш/х*: _____
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 204 808 298
ОКЭД: _____

Ғазначилик бўлини маси номи: Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Ғазна х/в.: 2340 2000 3001 0000 1010
Тошкент шаҳри Марказий Банк ХККМ
МҒО: 00014, СТИРи: 201 122 919

Директор:  Д. Матмусаев



БАЖАРУВЧИ:


“Namangan Sanoat Loyiha” ХК
Манзил: Наманган шаҳри,
Н. Намонгоний кўчаси 18-уй.
Тел/факс: 91-184-48-84/227-86-90
Ўз. Р. ТИФ “Миллий банк”
Наманган бўлими
Х/р: 2020 8000 0042 9619 8001
МҒО: 00222, ИНН: 204 715 779
ОКЭД: 41100

Директор:  З. Азимов



Хуқуқий экспертиза-хулосаси

Ушбу пудрат шартнома лойихасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида хуқуқий экспертиза қилиб, шартнома лойихаси қонунчилик ҳужжатларига мос қелишлигини аниқладим.
Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Компания хуқуқий маслаҳатчиси  К.Тулашев «__» _____ 2022 йил

Лойиха-қидирув ишлари учун СМЕТА № 1

Лойиха-қидирув ишларини текшириш, лойихалаш босқичлари, бино, иншоот, корхона номланиши:

Наманган шаҳар. А. Темур кўчасида жойлашган Юридик техникумини реконструкция қилиш (спорт майдонлари қуриш, ҳудудини ободонлаштириш ва аввалги сектор хоналарини таъмирлаш).

Лойиха ташкилоти: “Namangan Sanoat Loyiha” ХК

Буюртмачи ташкилоти: **Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси**

№ т-р	Корхона, бино ёки иш тури тавсифи	Бўлим, жадвал ва параграфга асосланиши	Қийматининг ҳисоби (сўм)	Қиймати (сўм)
1	2	3	4	5
1.	Наманган шаҳар. А. Темур кўчасида жойлашган Юридик техникумини реконструкция қилиш (спорт майдонлари қуриш, ҳудудини ободонлаштириш ва аввалги сектор хоналарини таъмирлаш)	Ўз.Р. Адлия вазирлигида 2019 йил 9 сентябрда 3180-рақами билан давлат рўйхатидан ўтган, Ўз.Р. Қурилиш вазирининг 2019 йил 19 августдаги №396 сонли буюруғига асосан «Лойиха-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги «Низом»га асосланиб ҳисоблаш ишлари бажарилди. Мураккаблик тоифаси 39.3 пунктига асосан – II 3-илова: Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш. 2 пункт. $K=5,0\%$ Қабул қиламиз - $K=2,5\%$;	1 033 884 056,7 × × 0,03	31 016 521,7
2.	ҚҚС – қўшилган қиймат солиғи.	15 %	31 016 521,7 × × 0,15	4 652 478,3
	Жами:			35 669 000

Смета бўйича жами: **Ўттиз беш миллион олти юз олтмиш тўққиз минг сўм**
(йигинди сўз билан)

“Namangan Sanoat Loyiha” ХК директори:

З. Азимов

Лойиха бош муҳандиси:

Н. Нуритдинов

Буюртмачи вакили:

Р. Эгамбердиев

